

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакесва Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Сайнова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбасқовна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доцент,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>23. Berdiyev A.A.</b> BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
<b>24. Ботиров Э.</b> МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
<b>25. Валихонова Г. К.</b> РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
<b>26. Ганиева Ч.Х.</b> МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
<b>27. Давлатова Ш.</b> АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
<b>28. Ёдгоров З.Ш.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
<b>29. Жахонов Т.</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
<b>30. Жўраев А.</b> ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
<b>31. Zupunova G.</b> ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
<b>32. Инатов М.Н.</b> XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
<b>33. Кариева Н.А.</b> РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 34.Канимкулов О.Ш.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ  
ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....278
- 35.Камолов Ж.М.**  
ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....286
- 36.Курязова Д.**  
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ  
МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ...292
- 37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х.**  
БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ  
ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА  
ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....299
- 38.Исматова Н.К.**  
ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА  
ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....307
- 39.Исматуллаев Ф.О.**  
ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ  
ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....319
- 40.Кадирова М.Т.**  
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР  
ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....329
- 41.Каромов Ф.Ҳ.**  
ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....334
- 42.Мажидов Ш.Ф.**  
МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....340
- 43.Мамадаминова Б.**  
ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ  
ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....345
- 44.Mattiyev O'.B.**  
TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING  
GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUIJATLARIDA YORITILISHI.....353

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Исматуллаев Фарҳоджон Одилжонович,  
Тошкент давлат педагогика университети,  
тарих фанлари номзоди, доцент  
ismatullayev2209@gmail.ru

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

*For citation: Ismatullayev Farhodjon. DEVELOPMENT AND PROSPECTS OF COOPERATION BETWEEN UZBEKISTAN AND LATVIA. Look to the past. 2020, SI, pp. 319-328*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-39>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Латвия Республикаси билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини ривожланиш жараёнлари таҳлил этилган. Ушбу алоқалар айниқса инвестиция, фармацевтика, маданият ва туризм йўналишларида ривожланиб бораётганлиги далиллар асосида ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Болтиқбўйи, Инвестиция, савдо-сотик, транзит, молия, фармацевтика, туризм саноати, банк иши, балиқ махсулотлари, пахта толаси, театр, шарқ тароналари.

Исматуллаев Фарҳоджон Одилжонович,  
ТГПУ имени Низами,  
кандидат исторических наук, доцент  
ismatullayev2209@gmail.com

## РАЗВИТИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ СОТРУДНИЧЕСТВА МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И ЛАТВИЕЙ

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируются процессы развития сотрудничества Республики Узбекистан с Латвийской Республикой в торгово-экономической и культурно-гуманитарной сферах. Эти отношения были выделены на основе свидетельств того, что они развиваются особенно в сферах инвестиций, фармацевтики, культуры и туризма.

**Ключевые слова:** Прибалтика, инвестиции, торговля, транзит, финансы, фармацевтика, индустрия туризма, банковское дело, рыбные продукты, вата, театр, восточные мелодии.

**Ismatullayev Farhodjon,**  
TSPU named after Nizami,  
Doctor of Philosophy(PhD), dotsent  
e-mail: ismatullayev2209@gmail.com

**DEVELOPMENT AND PROSPECTS OF COOPERATION  
BETWEEN UZBEKISTAN AND LATVIA****ABSTRACT**

The article analyzes the processes of development of cooperation between the Republic of Uzbekistan and the Republic of Latvia in the trade, economic, cultural and humanitarian spheres. These relationships were highlighted on the basis of evidence that they are developing especially in the areas of investment, pharmaceuticals, culture and tourism.

**Index Terms:** Baltic States , investment, trade, transit, Finance, pharmaceuticals, tourism industry, banking, fish products, cotton wool, theater, Oriental melodies.

**Д**олзарблиги. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдир[1]. Шу боисдан ҳам, Болтиқбўйида жойлашган учта давлатлар - Латвия, Литва ва Эстония билан турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, ривожлантириб келмоқда. Масаланинг яна бир эътиборли томони шундаки, ушбу давлатлар билан ҳамкорлик ришталари анча аввалроқ бошланган бўлиб, қарийб бир неча асрлик тарихга эга[2]. Ўзбекистон ва Латвия муносабатлари ҳатто, совет давлати мавжудлиги даврларида ҳам анча ривожланганлигини архив материаллари тасдиқлайди[3]. Айнан ана шу тарихий ришталар икки давлатни турли йўналишларда жумладан, балиқ саноати, фармацевтика, транзит юк ташиш ва таълим соҳаларида кенг қамровли, ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйилишида муҳим роль ўйнаганлигини эътироф этиш ўринлидир.

Ўзаро алоқалар динамикасининг ҳозирги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Болтиқбўйи давлатлари ичида Ўзбекистон Республикаси билан нисбатан кенг миқёсдаги ҳамкорлик Латвия Республикаси ҳиссасига тўғри келмоқда.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда 1991-2020 йилларда Ўзбекистон ва Латвия Республикалари ўртасидаги сано-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаалар тарихи ёритилган. Ушбу масала энг янги давр тарихига тегишли бўлганлиги учун алоҳида, яъни, Ўзбекистон - Латвия

алоқаларига бағишланган яхлит манба мавжуд эмас. Аммо, сўнгги ўттиз йилдаги ўзгаришлар тарихи турли даврий нашрлар, маданий-маърифий марказлар ҳамда вазирликлар, жумладан, ташқи ишлар вазирлиги, маданият ишлари вазирлиги каби ташкилотларнинг жорий архивлари материалларидан фойдаланиш лозим бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ҳужжатлари эса мақоладаги маълумотларнинг асосий базаси сифатида хизмат қилди. Мақолада архивнинг М-2, М-7 ва М-38 фондларидаги ҳужжатлардаги маълумотлар муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу фондларда Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётига оид кўп сонли материаллар сақланади. Бу маълумотлар мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини таҳлил қилиш, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий соҳалардаги ислохотлар, шунингдек, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик алоқаларини ёритишга хизмат қилади.

Айниқса, даврий матбуот нашрларидан бўлган рўзномалар, жумладан бевосита сиёсий маълумотларга йўналтирилган Халқ сўзи, Тошкент оқшоми кабиларда ўтган давр мобайнида ҳамкорликда амалга оширилган турли учрашув ва тadbирлар ҳақида умумий маълумотлар бериб ўтилди. Бунда икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги, икки томон учун ҳам мос бўлган солиқ ставкалари ва транзит ҳамкорлик учун қулай имкониятлар яратилганлиги кўрсатилган. Шу билан бирга икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг анча қадимий даврларга бориб тақалганлиги, шунингдек узоқ вақт бундай алоқаларнинг мураккаб кечган совет давлати тузуми даврида ҳам узилиб қолмаганлиги даврий матбуот мақолаларида эътибор қаратилган. Шу билан бирга икки томонлама алоқаларда айниқса иқтисодий-инвеститциявий алоқалар йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги масалалари статистик маълумотлар асосида кўрсатиб ўтилган.

Аммо ушбу масалага умумий яъни, Европа Итифоқи билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги аспектида ёндашган ҳолда, кўплаб маҳаллий ва ҳорижлик олимлар ўз мақола ва монографияларини нашр эттирганлар.

Улар орасида, энг аввало, А. Акилов, А. Расулев ва А. Бедринцев, А. Касимов, Л. Петрова, И. Васькин, Н.А. Касимова, С.А. Жўраевларнинг монографияларини таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўлади[4]. Мустақилликнинг дастлабки йилларида яратилган ушбу муаллифларнинг ишларида республиканинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши миллий мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Халқаро ҳамкорлик муносабатлари борасида Э.З. Нуриддиновнинг тадқиқотлари алоҳида ўрин эгаллайди[5]. Хусусан, муаллифнинг "Ўзбекистон Республикасининг Европа мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги" номли монографиясида республиканинг Европа мамлакатлари билан кўп томонлама ҳамкорлиги кенг кўламда кўплаб ҳужжатли материаллар асосида ёритиб берилган.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини ортиб бориши, эришган муваффақиятлари ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ютуқлари ҳақида Б. Робертсон, Н. Любин, Д. Дикер, С. П. Глинкина сингари тадқиқотчилар ўз асарларида фикр-мулоҳаза юритганлар[6]. Шу билан бирга ушбу муаллифлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий ва геостратегик аҳамиятига алоҳида урғу бериб ўтганлар.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон мустақиллигини Латвия Республикаси 1992 йил 22 октябрда тан олган. Қисқа муддат ўтгач, яъни 1992 йил 3 ноябрь куни мамлакатларимиз ўртасида

дипломатик муносабатлар ўрнатилди ва бу билан узоқ муддатли икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланишига замин қўйилди[7].

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоом Каримовнинг 1995 йил июнида Латвияга буюрган давлат ташрифи чоғида икки томонлама муносабатларга мустаҳкам пойдевор қўйилди. Ташриф чоғида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида "Дўстлик ва ҳамкорлик" тўғрисидаги шартнома имзоланган эди[8].

Ўзбекистон Республикасига Латвия Республикасининг Президентлари: 1996 йилда Гунтис Ульманис, 2008 йилда Витлер Залдерс, 2014 йил Андрис Берзиньшинлар расмий ташрифлар билан келган эдилар[9]. Ўз навбатида Латвия Республикасига Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоом Каримов 2004 ва 2013 йилларда расмий давлат ташрифларини амалга оширган[10]. Ўзаро расмий ташрифларни домий равишда амалга ошириб борилганлиги икки томонлама ҳамкорликни ўзаро ишонч асосига қурилганлигидан далолат бериб турибди. Шу билан бирга, айтиш жоизки, Латвия Республикаси Ўзбекистон Республикаси учун Европа Иттифоқи таркибидаги энг хайрихоҳ, ҳар доим қўллаб-қувватлаётган давлат ҳисобланди. Ўзбекистон ҳам ҳар доим Латвия манфаатларини қўллаб қувватлаб келмоқда.

Икки томонлама алоқаларнинг доимий ривожланиб боришига хизмат қиладиган мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улар ҳукуматлараро ва идоралараро 37 та ҳужжатлардан иборат. Бугунги кунда Латвия Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг энг йирик учта савдо шериги қаторидан жой олган.

Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида тузилган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга мувофиқ, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-сотиқ ишларида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Ўзбекистоннинг Латвия билан ташқи савдо айланмаси 2006 йил 88,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2007 йил 123,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлди[11]. Унда мамлакатнинг экспорт улуши - 102 млн. долларни ташкил этди. 2008 йилнинг биринчи ярмида ушбу кўрсаткич 279,2 фоизга ўсиб, 142,6 млн. АҚШ долларига етди[12]. 2014 йилда бу кўрсаткич 245,7 миллион АҚШ доллари, 2015 йилда эса 135 миллион АҚШ долларидан ошганлигини кўриш мумкин[13]. Икки томонлама савдо айланмаси 2018 йил ҳолатига 100 млн. долларни ташкил этган[14]. Таҳлиллар Латвия билан сўнгги йилларда иқтисодий алоқаларда бироз пасайиш бўлганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон экспорти таркибида ёқилғи, нефть ва минераллар ҳамда уларни қайта ишловчи моддалар, юқори сифатли пахта толаси, минерал ўғитлар ва рангли металллар асосий ўринни эгаллайди[15]. 2019 йилда Латвия бозорларига сархил мева-сабзотлар, қуруқ мевалар ва тўқимачилик маҳсулотлари ҳам етказиб берилган. Импорт асосини эса механик ва электр асбоб-ускуналари, қора металлдан тайёрланган буюмлар, ёғоч-тахта, фармацевтика, пластмасса, балиқ маҳсулотлари, органик бирикмалар ва логистик хизматлар ташкил этади. Латвияда Ўзбекистонлик сармоядорлар билан ҳамкорликда таъсис этилган 40 га яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Иқтисодиёт, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон - Латвия ҳукуматлараро комиссияси савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг амалий механизими ҳисобланади[16]. Мазкур комиссиянинг фаолият тарихига назара ташласак, у ўзаро муносабатлар расмий тус олган даврдан буён домий равишда фаолият юритганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, ушбу комиссиянинг 4- йиғилиши 2008 йил 28-29 апрель кунлари Рига шаҳрида бўлиб

ўтди. Шу йилнинг 6 октябрида эса икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес форум ўтказилди. Бундай халқаро бизнес форумларининг мунтазам ўтказилиши далаатлараро муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

2020 йилнинг 5-6 март кунлари Тошкентда халқаро "Бизнес форум" ташкил этилди. Унда Латвия Республикасидан ҳам соҳа вакиллари, ишбилармон-тадбиркорлар гуруҳи иштирок этди[17]. Бундай Форумларни ташкил этилиши Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятларини намоён этиш баробарида хорижий компаниялар ва тадбиркорларни бизда яратилган қулайликлар билан таништириш орқали улар эътиборини юртимизга жалб этишни ҳам кўзда тутди. Ўтказилаётган бундай форумлар хориж сармоядорлари, тадбиркорларини нафақат Ўзбекистон Республикасига балки, бутун Ўрта Осиё бозорларига кириб келишига кенг имконият яратади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда Латвия сармоядорлари иштирокида 32 та корхона фаолият юритмоқда[18]. Унинг 6 таси тўлалигича Латвия капитали асосида ташкил этилган[19]. Мазкур корхоналарнинг асосий фаолияти электроника, дастурлаш жиҳозлари ва радиоалоқа воситалари, умумий машинасозликда қўлланиладиган буюмлар, тикув дастгоҳлари, полиграфия, транспорт ва логистика, мебеллар ва ипак маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида Латвиянинг 16 та фирма ва компаниялари ўз ваколатхонасини очган. 2014 йил апрелида Рига шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйини очилганлиги ҳам Савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига ўзининг самараларини бериб келмоқда. Аҳамиятли томони шундаки қисқа бир ойда ушбу савдо уйида 30 миллион АҚШ долларлик шартнома имзоланган[20]. Савдо уйига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган енгил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилган мевалар ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилмоқда[21].

Ўзбекистонда Латвия билан муносабатларга алоҳида эътибор берилади. Рига ҳам Тошкент билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Бунда икки мамлакатнинг сиёсий соҳада кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги, ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдорлиги муҳим ўрин эгаллайди.

Латвия 2004 йилнинг январидан НАТОга аъзо бўлганида Ўзбекистон томони ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиққани ҳолда, ўз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун ўз мудофаа доктринасини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга эканини таъкидлаган. Ўша йилнинг май ойида Латвия Республикаси Европа Иттифоқига аъзо бўлди ва бу ҳолат Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланди[22].

Икки давлат ишбилармонларининг бевосита алоқаларини қўллаб қувватлаш мақсадида 2004 йили Рига саммити асносида консулик конвенцияси имзоланган. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Латвиянинг Фарекс банки ўртасида тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум нафақат молия муассасаларининг ҳамкорлигини ривожлантиришга, айтилиши вақтда бизнес вакиллариининг ишончли шериклигини ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистонда Латвиянинг нуфузли банкларидан бири "Парекс Банк" ваколатхонаси ҳам ишлаб турибди.

Савдо-иқтисодий муносабатларнинг мавжуд ҳолати ва натижаларидан келиб чиқиб, уни янада ривожлантириш учун қуйидаги соҳа ва йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, назаримизда:

Биринчидан, Икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати Ўзбекистон билан Латвиянинг иқтисодий имкониятлари ва эҳтиёжлари даражасида эмас, бунда янада жонлантириш, юқори даражага кўтариш лозим. Бунда албатта, авиавқатновларни кўпайтириш, транзит соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш шулар жумласидандир. Масалан, Латвия билан Скандинавия мамлакатлари ўртасида фаол ҳаво транспорти қатнови йўлга қўйилган. Шу маънода, Латвия Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиё учун Скандинавияга ўзаро боғловчи кўприк вазифасини ўташи мумкин. Айти пайтда, Ўзбекистон Скандинавия ўлкалари учун Осиёга робита бўлиб хизмат қилган бўлар эди.

Иккинчидан, ўзаро манфаатли ҳамкорликни тобора ривожлантириш учун яна бошқа имкониятлар ҳам жуда кўп. Жумладан, Ўзбекистон пахта толасига эҳтиёжи бўлган Латвия тўқимачилик корхоналарига бевосита етказиб бериши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун Латвия тадбиркорларини юртимизда ўтказиладиган пахта ва тўқимачилик ярмаркаларига кенг жалб этиш лозим. Ҳамкорликда Ўзбекистон фақат пахтани эмас, балки ипак, полиз экинлари, мева - сабзавотларини қайта ишлаш корхоналарини барпо этиши мумкин. Шу йўл билан Ўзбекистон ва Латвия бозорларини тайёр маҳсулотлар билан тўлдириш, айти пайтда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи бозорлардаги ўрнимизни янада кенгайтириш имкони пайдо бўлади.

Учинчидан, мамлакатлар ўртасида айрибош қилинаётган товарлар ва хизматлар рўйхатини тубдан қайта кўриб чиқиш, икки томонлама фойдали савдо учун преференциялар яратиш ҳам долзарб масалалардандир. Дейлик, Ўзбекистон шакар импортчиси саналади, конфет ва шоколад, денгиз маҳсулотларини муайян қисмини четдан келтиради. Латвия эса айти шу маҳсулотларни экспорт қилади. Демак, ўзаро мақбул нарх ва шартлар билан экспорт-импорт операцияларини кўпайтириш, шу билан бирга, Ўзбекистонда конфет ва шоколад ҳамда балиқ консервалари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона тузиш учун имкониятлар мавжуд.

Тўртинчидан, икки мамлакат иқтисоётида бир-бирини тўлдирувчи бундай жиҳатларга яна кўплаб мисол келтириш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда Марказий Осиёда ягона темир йўл транспорт воситаларини таъминловчи корхона ишлаб турибди. Латвияда эса локомативлар, трамвайлар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон томони Марказий Осиёдаги Латвияда ишлаб чиқарилган темир йўли транспортларига сервис хизматлари кўрсатишни ўз зимасига олиш мумкин.

Бешинчидан, икки мамлакат ҳам автомобилсозлик соҳасида катта тажрибага эга. Кундалик ҳаётда, халқаро савдода, сайёҳликда ва кўплаб бошқа соҳаларда транспорт воситаларининг аҳамияти кун сайин ортиб бораётган ҳозирги шароитда бу йўналишдаги ҳамкорлик икки мамлакат манфаатларига ҳам бирдай хизмат қилади. Логистика, қоғоз, мебельсозлик, ахборот технологиялари, фармацевтика бўйича фойдали бўлган соҳалар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Қўшма корхона тузиш икки томоннинг ҳам манфаатларига мос келади.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликнинг кўламлари ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Латвияда ўзбек халқининг ноёб тарихий меросига ҳурмат билан қарашади. Ўзбекистон ва Латвия адиблари, маданият ва санъат номоёндалари, академик доиралари ўртасидаги яқин муносабатлар қарор топган. Бу эса гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Халқаро муносабатларда кўп қамровли маданият соҳасидаги алоқалар, давлатлар ва халқларнинг яқинлашувига, дўстона муносабатлар ўрнатилишига ҳамда маънавий нуқтайи назардан фикр алмашувига кенг имкониятлар яратади.

Ўзбекистоннинг Латвия билан маданий алоқаларида мусиқа санъатнинг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Икки томонлама алоқаларнинг ривожланишида халқаро мусиқа фестиваллари ўтказиб турилиши маданий соҳалардаги ҳамкорликнинг узвий равишда ривожланиб, ўзаро алоқаларни янада тараққий этишида муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил Латвияга ташрифи асносида Риганинг энг сўлим гўшаларидан бири - Кронвольда боғида буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳайкалининг очилгани икки халқнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлган эди. Латвия заминида қад ростлаган Мирзо Улуғбек ҳайкали, 2006 йилнинг ноябрида эса Шарқда "Шайх ур-раис", Европада "Авиценна" номлари билан машҳур бўлган мутафаккир бу Али Ибн Сино хотираси учун ўрнатилган ёдгорлик халқлар, мамлакатлар ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин тимсолидир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 1997 йилдан кўхна Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига Латвия вакиллари ҳам мунтазам иштирок этиб, ўз санъатлари билан ҳаммани ҳушунуд этиб келишмоқда[23]. Жумладан, 2013 йил 25-30 август кунлари Латвиялик кўшиқчи Диана Пирагс ва ёш мусиқачилар гуруҳи "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивалида чиқишлари билан иштирок этиб, ўз миллий мусиқалари ижроси билан барчада катта таассурот қолдирди. Ушбу йўналишдаги ҳамкорликни узвий давоми сифатида 2019 йил 20 феввалида Тошкент давлат консерваториясида машҳур Латиш бастакори Эмилис Мелнгайлис ижодига бағишланган катта концерт дастурини ўтказилганлигида ҳам кўриш мумкин. Ушбу маданий тадбирларнинг барчаси санъатсевар халқимизга жаҳон мусиқа санъати, жумладан, латиш халқи санъати, маданий мероси билан яқиндан танишиш имконини беради.

Маданий алоқалар театр санъати доирасида ҳам ривожланиб бормоқда. Масалан, Латвиянинг миллий опера театри билан Ўзбекистоннинг Алишер Навоий номидаги опера ва балет давлат академик катта театри ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилган бўлиб, ҳамкорликда янги сахна асарларини яратишга кенг йўл очилган.

Икки мамлакат шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ўзаро муносабатлар кўламини кенгайтиришда муҳимдир. Жумладан, 2004 йил апрелида имзоланган Тошкент билан Рига ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида икки пойтахт самарали шериклик алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Ушбу йўналишдаги ҳамкорликнинг узвий давоми сифатида 2013 йил Ригада Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати усталарининг кўргазмаси бўлиб ўтди. 2014 май ойида эса Самарқандда курорт шаҳар - Юрмалаликлар томонидан ташкил этилган Латвия рассомлари кўргазмаси ташкил этилди[24]. Кўхна Самарқанд билан Юрмала ўртасида ҳамкорликнинг ўрнатилиши маданий алоқалар ривожидида жуда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри билан Латвия миллий опера театри ўртасида бевосита алоқа ўрнатилган.

Икки давлат ўртасида гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш томонлар учун фойдалидир. Ўзбекистон ҳам, Латвия ҳам тарихий жойлар, қадимий обидалар ва дам олиш масканларига жуда бой. Бу эса икки томон учун сайёҳликни ривожлантиришга муҳим омил ҳисобланади. Икки мамлакат туризм компания ва кўмиталари яқин ҳамкорликда ишлаб, табиат қўйнида дам олишни истаганларга Ўзбекистонда тоғ, Латвияда денгиз сайёҳлигини таклиф қилишлари мумкин. Сўнгги

йилларда ушбу соҳага Ўзбекистонда давлат миқёсида катта эътибор қаратилиб, бунинг юртимизга ташриф буюраётган сайёҳларлар сони 2015 йилга нисбатан 2019 йилда деярли 2 маротаба ўсганлигида кўрамиз. Бунда албатта, шу йўналишда амалга оширилган ислохотлар ва саъй-ҳаракатларнинг ўрни катта. Бунинг тасдиғига мисол қилиб, Латвиянинг туристик шаҳри бўлган Салацгрива шаҳрида 2016 йил июнида "Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти"га бағишланган тақдиротнинг амалга оширилганлигида ҳам кўриш мумкин[25]. Тақдиротда унинг иштирокчилари мамлакатимиз пойтахтини Латвия билан, шунингдек, Хива, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Термиз сингари сайёҳлик марказлари ва бошқа ҳудудлар билан боғлайдиган мунтазам ҳаво қатновларига доир маълумотлар ҳақида ҳам фикр юритилиб, Ўзбекистонда яратилган қулай шароитлар билан таништирилди.

Латвияда дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тиббиёт соҳалари анча ривожланган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда фармацевтика ва тиббий диагностика, ахборот коммуникациялари каби соҳаларда қўшма тадқиқотлар ўтказиш, кадрлар малакасини ошириш, борасида ҳамда бошқа соҳаларда тажриба алмашишни ривожлантириш ўзаро фойдали бўлур эди.

#### 4. Хулосалар:

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш ўринлики, Латвия Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий шерикларидан ҳисобланади. Мамлакатлар икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш баробарида транзит юк ташиш борасида ҳам ишончли ҳамкорлардир. Ўзбекистон ўз маҳсулотларини Фарб давлатларига Латвия бандагўҳлари орқали экспорт қилади. Европа Иттифоқи аъзоси сифатида Латвия халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўрнини кенгайтириш, Европа бозоридан тўлиқ фойдаланиш имконига эга. Айни пайтда, Буюк ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон ҳам Латвия учун бутун Ўрта Осиё минтақаси билан ижтимоий-гуманитар ва савдо-инвеститциявий ҳамкорликни ривожлантиришида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

[1] Касымова Н. А., Жураев С. А. Актуальные вопросы современных международных отношений. - Ташкент: Академия, 2008. - С. 233. (Kasymova. A., Guraev S. A. Topical issues of modern international relations. - Tashkent: Academy, 2008. - P. 233.)

[2] Глинкина С. П. Центрально-Восточная Европа на пути в Евросоюз // Новая и новейшая история. - Москва, 2007. - № 3. - С. 46-65. (Glinkina S. P. Central-Eastern Europe on the way to the European Union // New and modern history. - Moscow, 2007. - No. 3. - P. 46-65.)

[3] ЎзР МДА. фонд - м-7, рўйхат - 1, жилд - 725, варақ - 107. (Central State Archive Of The Republic Of Uzbekistan. stock-m-7, List-1, volume-725, sheet-107.)

[4] Акилов А., Расулев А., Бедринцев А. Узбекистан: внешне экономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. - Ташкент: Узбекистан, 1996. - 80 с. (Akilov A., Rasulev A., Bedrintsev A. Uzbekistan: foreign economic activity and integration into the world economy. - Tashkent: Uzbekistan, 1996. - 80 p.)

[5] Нуриддинов Э. З. Становление нового типа экономических отношений Узбекистана с ведущими государствами Западной Европы // Общественные науки в Узбекистане. - Тошкент, 1998. - № 1. - С. 22-27; (Nuriddinov E. Z. Formation of a new type of economic relations between Uzbekistan and the leading States of Western

Europe . Social Sciences in Uzbekistan. - Toshkent, 1998. - No. 1. - Pp. 22-27;)

[6] Lubin N. Central Asia: Issues and challenges for United States polity. The new geopolitics of Central Asia and its borderlands. Ed. By Ali Banuazizi and Myran Weiner. J. 8. Touris and Co. Ltd. - I. W. Y., 1994; Dyker D. A. Investment direction in prospects of Uzbekistan // Central Asia Newsiife. Chapter 4, 8. August-September. 1996; Roberson B. A. The Middle East and Europe. The Power deficur. Routledge. - London, 1998. ( )

[7] Ўзбекистон - Латвия: икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш йўлида // Халқ сўзи. 2013. 12 октябрь. (Uzbekistan-Latvia: further deepening of bilateral relations // Public opinion. It's 2013. 12 October.)

[8] Ўзбекистон - Латвия: икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш йўлида // Халқ сўзи. 2013. 12 октябрь. (Uzbekistan-Latvia: further deepening of bilateral relations // Public opinion. It's 2013. 12 October.)

[9] Ҳукуматлараро комиссия мажлиси // Тошкент оқшоми. 2015. 13 ноябрь. (Commission meeting // Tashkent evening. The 2015. 13 November.)

[10] Латвия Президенти Андрис Берзиньш: Бизнинг Ўзбекистон билан муносабатларимиз узоқ муддатлидир // Халқ сўзи. 2014. 27 май. (President of Latvia Andris Berzins: our relations with Uzbekistan are long-term. From 2014. 27 may.)

[11] Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ ЖА. Ўзбекистон Европа Иттифоқи савдо-иқтисодий алоқалари тўғрисидаги маълумот. 1- варақ. (Current archive of the Ministry of foreign economic relations, investments and trade of the Republic of Uzbekistan. Information on trade and economic relations of the European Union of Uzbekistan. 1-sheet.)

[12] МИД РУз // Политика Узбекистана по развитию международного торгово-экономического сотрудничества. <http://www.mfa.uz>. (Forign Ministry of Uzbekistan // Policy of Uzbekistan on development of international trade and economic cooperation. <http://www.mfa.uz> .)

[13] Ҳукуматлараро комиссия мажлиси // Тошкент оқшоми. 2015. 13 ноябрь. (Commission meeting // Tashkent evening. The 2015. 13 November.)

[14] Латвийские компании осваивают новые рынки, Узбекистан стал крупным партнером с взаимным торговым оборотом в 100 миллионов евро. [m.uz.spuniknews.ru](http://m.uz.spuniknews.ru). (Latvian companies are developing new markets , and Uzbekistan has become a major partner with a mutual trade turnover of 100 million euros. [m.uz.spuniknews.ru](http://m.uz.spuniknews.ru).)

[15] Ҳукуматлараро комиссия мажлиси // Тошкент оқшоми. 2015. 13 ноябрь. (Commission meeting // Tashkent evening. The 2015. 13 November.)

[16] Экспорт кўламини кенгайтириш йўлида // Тошкент оқшоми. - 2015 - 11 ноябрь. (to expand the scope of exports // Tashkent evening. - 2015-11 November.)

[17] Узбекистан - Латвия: внешнеэкономсвязи, политика. [Uzdaily.uz](http://Uzdaily.uz). (Uzbekistan-latvia: foreign economic relations, politics. [Uzdaily.uz](http://Uzdaily.uz).)

[18] Ҳукуматлараро комиссия мажлиси // Тошкент оқшоми. 2015. 13 ноябрь. (Commission meeting // Tashkent evening. The 2015. 13 November.)

[19] Ўзбекистон - Латвия: икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш йўлида // Халқ сўзи. 2013. 12 октябрь. (Uzbekistan-Latvia: further deepening of bilateral relations // public opinion. It's 2013. 12 October.)

[20] Латвия Президенти Андрис Берзиньш: Бизнинг Ўзбекистон билан муносабатларимиз узоқ муддатлидир // Халқ сўзи. 2014. 27 май. (President of Latvia Andris Berzins: our relations with Uzbekistan are long-term. From 2014. 27 may.)

[21] Ҳукуматлараро комиссия мажлиси // Тошкент оқшоми. 2015. 13 ноябрь. (Commission meeting // Tashkent evening. The 2015. 13 November.)

[22] Латвия Президенти Андрис Берзиньш: Бизнинг Ўзбекистон билан муносабатларимиз узоқ муддатлидир // Халқ сўзи. 2014. 27 май. (President of Latvia Andris Berzins: our relations with Uzbekistan are long-term. From 2014. 27 may.)

[23] ЎзР МДА. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги // "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалларида қатнашган ва таклиф этилиши режалаштирилган иштирокчилар ҳамда ижрочилар ҳақида қиёсий маълумот. Фонд - м -38, рўйхат - 1, жилд - 343. варақ -4. (Central State Archive Of The Republic Of Uzbekistan. The Ministry of Culture and sports of the Republic of Uzbekistan / / comparative information about the participants and performers who participated in the international music festivals "Sharq taronalari" and are scheduled to be invited. Stock-m -38, list - 1, volume-343. sheet-4.)

[24] Латвия Президенти Андрис Берзиньш: Бизнинг Ўзбекистон билан муносабатларимиз узоқ муддатлидир // Халқ сўзи. 2014. 27 май. (President of Latvia Andris Berzins: our relations with Uzbekistan are long-term. From 2014. 27 may.)

[25] Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятини Латвиядаги тақдироти // Тошкент оқшоми -2016. - 17 июнь. (Presentation of tourism potential of Uzbekistan in Latvia / / Tashkent evening -2016. - June 17.)

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000